

ЎЗБЕК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Собиржонов Абутолиб*Тошкент давлат транспорт университети, т.ф.н. доцент***Мелиев Вахобжон***Тошкент давлат транспорт университети, ассистент*

Замонавий автомобиллар, турли ҳил техникалар иқтисодийликка, турмушимизга шу қадар кенг кириб келдики, уларсиз ҳаётни кўз олдимизга келтира олмаймиз. Бундан ярим асргина олдин ҳар минг кишига 35-40 та автомобиль тўғри келган бўлса, ҳозир ушбу кўрсаткич 150 тага яқинлашди, айрим давлатларда эса 800-900 тага етиб борди. Миллиарддан ортиқ енгил автомобилларга ва бир неча юз миллион техникалар учун қўлланилаётган ёнилғи-мойларга бўлган эҳтиёжни қондириш муаммо бўлаётганини, ҳар куни ёқилаётган миллионлаб тонна ёнилғилар атроф-муҳитни қанчалик ифлосланаётганини тассавур қилсак, ҳаммамизда ҳам бу жараёнларни такомиллаштириш долзарб масала эканлигига шубҳа қолмайди. Лекин, техникалар ҳам шунчалик даражада такомиллашганки, уларга конструкцион янгилик киритишнинг деярли имконияти йўқдир.

Ҳозирги кунда инсоният тараккиётини ва фаровонлигини энергия манбаларисиз, биринчи навбатда, анъанавий нефт маҳсулотлари, колаверса, муқобил, қайта тикланувчи ресурсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Давр маҳсули уларок, фан ва техникада янги изланишлар - ёнилғи ва мойлаш маҳсулотларидан самарали фойдаланиш назарияси ва амалиётидан иборат илмий йўналиш - химмотология фани вужудга келди.

Бу йўналиш ўз таркибига бир нечта фан ва соҳаларни бирлаштирди. Чунки химмотолог мутахассис ҳам техника тузилиши ва ундан фойдаланиш, ҳам улар учун қўлланиладиган ёнилғи, мой, махсус суюқликларда юз берадиган ўзгаришлар, уларни ташиш, саклаш ва қўллашни оқилона ташкил этишга доир билимларга эга булиши лозим эди. Химмотология олий таълимга машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, физик ва коллоид кимё, ейилиш ва занглаш назариялари, гидравлика қонунлари ҳамда экологик таъсирларни уз ичига олган фанлар мажмуаси сифатида кириб келди. Бугунги кунда халқ хужалигининг қўллаб тармоқлари самарадорлиги, техника воситалари ишончилиги ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сифатида боғликлиги сир эмас.

Мамлакатимизда химмотология фани пойдеворини қўйишда академиклар О.Салимов, О.Лебедев, С.Негматов, С.Қодиров, А.Жалилов, профессорлар А.Муталибов, А.Беленький, У.Икрамов, Қ.Шарипов, Ш.Абдуллаев, Б.Хамидов ва бошқалар катта хисса қўшган. Айни пайтда Тошкент давлат транспорт университети профессор-ўқитувчилари Ю.Шодиметов, Б.Базаров, А.Собиржонов, Н.Муминжонов, З.Алимова, Р.Ҳакимов ва уларнинг ёш шогирдлари химмотология илмини давом

этирмоқда.

XX аср охирида Буюк Ипак йули марказида жойлашган Ўрта Осиё минтақасида бир нечта мустақил давлатлар вужудга келди. Аини пайтда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан “Бир макон - бир йул” тамойили доирасида ана шу қадимий қарвон йўли босқичма-босқич тикланмоқда. Ва бу йўлдан энди турли модель ва маркалардаги автомобиль, поезд ва бошқа транспорт “қарвон”лари утиши шубҳасиз. Йул ёқаларида уларга хизмат курсатувчи сервис қорхоналар, мотеллар, катта-кичик устахоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, мой алмаштириш нуқталарини жойлаштириш ва уларнинг самарали ишлашини ташкил қилиш лозим бўлади.

Сўнги ўн йилда автомобиль маркалари, уларга қўйилаётган ёнилғи- мойлаш маҳсулотлари тури кўпайди, сифати ва нарх-навоси бир-биридан фарк кила бошлади. Бизда купроқ ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, қўшни давлатларда эса, асосан, Россия, Хитой, Япония ва Корея Республикасидан олиб келинган автомобиллар кўпая бошлади.

Шу боис бугунги кунда автомобиль “таомнома” (меню)сини танловчи ва тайёрловчи - химмотологларга талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, учинчи ренессансга пойдевор қўйилаётган бугунги кунда кенг соҳалар, ноанъанавий йуналишларда комплекс изланишлар олиб боришга лаёқатли ёшларни тайёрлаш олдимизда турган муҳим вазифа саналади.

Тошкент давлат транспорт университетининг ташкил этилиши химмотология фани буйича изланишларни янада кенгайтириш, нафақат автомобиль, балки темир йул транспорти, аэропортлар, машина-трактор парклари ҳамда Марказий Осиё давлатларида фаолият курсатаётган минглаб ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминоти қорхоналари учун ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашга имкон беради.

Ушбу мутахассислик буйича битирган магистр химмотологларнинг ярмига яқини PhD диссертациясини ёқлаб мамлакатимиз илмий-уқув муассасаларида, “Ўзстандарт” агентлиги, Фанлар академияси институтларида фаолият кўрсатмоқда.

Транспорт воситалари учун нефть маҳсулотлари билан бирга муқобил энергия манбаларини кўпайтириш, уларни қўллашда ёнғин ва экологик хавфсизликни қамайтириш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари анатомияси ва компонентларининг нано улчамлардаги таъсир механизми ҳамда техникалар тузилиши ва уларнинг эксплуатацияси буйича билимга эга, транспорт воситалари учун махсус “таомнома”лар тайёрловчи мутахассислар - муҳандис- химмотологлар тайёрлашни диетолог-шифокорларни тайёрлашга тенглаштириш мумкин.

Аини пайтда университетимиз қошида химмотолог ва экологлар клубларини ташкил этаяпмиз. Улар нафақат олим ва талабаларимиз, балки ана шу соҳа ва мутахассисликка кизиққанлар, жумладан, чет элликлар учун ҳам очик бўлишини истаймиз. Бундан ташқари клубларимизга ўсимлик шаклидаги тикланувчи энергия манбаларни устирадиган ва уларни қайта ишлайдиган мутахассисларни ҳам тақлиф этамиз, чунки жаннатмакон юртимизнинг барча гўшаларида таркибида мой, эфир,

каучук каби моддаларни йигувчи турли-туман “нефть” ўсимликлари устириш мумкин.

Буларни тахлил килиш, қайта тикланувчи манбалардан келажакда ёнилги - мой маҳсулотлари олишни ўрганиш учун лаёкатли мутахассислар тайёрлаш мақсадида сохалараро илмий лаборатория ташкил этиш, агрономлар, кимёгар технологлар ва транспорт муҳандисларини бир жойга жамлаш учун дастлабки даврда молия билан таъминлашга Инновацион ривожланиш вазирлиги кумаги зарур булади. Сифатли яратилган ва танланган ёнилги-мойлаш маҳсулотлари, турли хил техник суюклик ва эксплуатация материаллари нафақат транспорт воситаларининг узок муддат ва самарали ишлашига, балки атроф-муҳитни турли зарарли чикиндилар асрашга ҳам кафолатдир.

Бўлажак мутахассисларимиз хар томонлама чуқур билимларга эга бўлишлари учун амалиёт дарсларини автосаройларга, автосервис корхоналарига, нефт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва таъминоти корхоналарига кўчириб ўтмоқдамиз.



И.М. Губкин номидаги нефт ва газ университети, Турин политехника университети, кимё-технологиялари институтлари билан ҳамкорлик шартномалари йўлга қўйилган, профессор-ўқитувчиларимиз уларда илмий стажировка ўтамоқда, натижада кейинги 10 йил ичида ўндан ортиқ Scopus тизимида баҳоланувчи, ҳамда ОАК рўйхатига киритилган журналларда илмий мақолалар чоп этилди.

Безарар ва сифатли ёнилги-мойлаш материалларини яратиш, улардан самарали

фойдаланиш барча иқтисодиёт соҳалар учун ҳам муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. - 416 бет. ISBN 978-9943-7951-7-4
2. Ш.М.Мирзиёев. -Эркин ва ва фаровон демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти,2016. ISBN 978-9943-28-941-3
3. Алимова З.Х. Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар - Тошкент: Фан технологиялар 2011й.
4. Иброхимов К.И.,Кадиршаев Т.Қ., Собиржонов А., ва бошқалар Ёнилғи қуйиш шахобчасида техник сервис кўрсатиш. - Тошкент: “Иқтисод ва молия” 2013й.
5. Leffler, William L. Petroleum Refining in Nontechnical Language – 4th ed. Printed in the United States of America, New York, 2011.
6. Speight, Environmental J.G. Analysis and Technology for the Refining Industry. John Wiley & Sons Inc., Hoboken, New Jersey. 2005.
7. Abutolib Sobirjonov¹, Zebo Alimova², Gulhayo Niyazova³, VaxobMeliev⁴. “Corrosion and Its Consequences in the General Wear and Tear of Agricultural Machinery” SSN: 0011-9342 | Year 2021 Issue: 9 | Pages: 4205-4212
8. Abutolib Sobirjonov¹, Zebo Alimova², VaxobMeliev⁴. “Ways to Improve the Lubricating Properties of Greases” Texas Journal of Engineering and Technology. ISSN NO: 2770-4491 <https://zienjournals.com> Date of Publication:10-04-2022